

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2026-yil 12-fevral, payshanba

№ 6 (9378)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЯНГИ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ҲАМДА ИЛМ-ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 февраль куни қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш ва соҳада илм-фанни янги босқичга олиб чиқиш бўйича таклифлар тақдими билан танишди.

Ирригация ва мелиорация тадбирлари натижасида сўнгги беш йилда 826,5 минг гектар ер қишлоқ хўжалиги фойдаланишига киритилди. Шунинг 409 минг гектари суғориладиган ерлар ҳисобига, 418 минг гектари эса лалми ва яйлов ерларда ер ости сувларидан фойдаланиш ҳамда кам сув талаб қиладиган экинларни жойлаштириш орқали ўзлаштирилди.

2030 йилгача яна 938 минг гектар яйловларни ўзлаштириш ва ҳолатини яхшилаш режалари тақдимот қилинди.

Хусусан, 2026-2027 йилларда 620 минг гектар яйлов тикланиб, шунинг 300 минг гектарига яйлов ўсимликлари экилади, 130 минг гектарига қудуқлар ўрнатилади. Натижада 960 минг бош майда шохли мол боқиш, гўшт ва жун ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконияти яратилади.

Янги ерларни ўзлаштиришда ҳар бир ҳудуд бўйича аниқ инвестор ва лойиҳа асосида иш ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.



Қишлоқ хўжалигида илм-фанни янги босқичга олиб чиқиш учун амалдаги институционал инфратузилмани ўзгартириш вақти келгани қайд этилди.

Шу мақсадда соҳадаги 22 та илмий марказ, 260 та лаборатория ҳамда 2,5 мингдан ортиқ олим ва илмий ходимларни ягона тузилма – Қишлоқ хўжалиги

фанлари академиясига бирлаштирилиши белгиланган.

Тақдимотда биотехнология ва молекуляр биология, ген инженерияси ва гибрид уруғчилиги, “ақлли” қишлоқ хўжалиги, космик ва дрон технологиялари, ерлар деградацияси ҳамда соғлом тупроқ, органик қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат хавфсизлиги, ветеринария, рақамли қишлоқ хўжалигини академия фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида белгилаш таклиф этилди.

Академия фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозир-да Тошкент давлат аграр университетига 13,6 минг талаба таҳсил олаётгани, бироқ ўқув жа-раёнининг амалиёт билан етарлича боғланмагани сабабли битирувчиларнинг атиги 55 фоизи ўз соҳасида ишлаётгани кўрсатиб ўтилди.

(Давоми 2-саҳифада)



ОБИҲАЁТ БОШҚАРУВИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ

Сир эмаски, Ўрта Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистон учун сув танқислиги муаммоси ҳозирги иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ўсиши шароитида ўта муҳим. Чунки сув ресурсларининг деярли 80 фоизи юртимизга бошқа мамлакатлар ҳудудидан оқиб келади ва бор-йўғи 20 фоизи Ўзбекистон ҳудудига ҳосил бўлади.

Масалан, Зарафшон дарё ҳавзасини олайлик. Марказий Осиёнинг энг қадимий ва стратегик аҳамиятга эга сув тизимларидан бири ҳисоблангани ҳолда Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, қишлоқ хўжалиги, ичимлик суви таъминоти ва экотизимлар барқарорлигида ҳал қилувчи ўрин тутди. Мазкур дарё ҳавзасини самарали бошқаришда бизга узоқни кўра билиш, аграр республикага хос омилдорлик ва пухтаклик керак бўлади. Энг асосийси, бу жараёнларга аҳолининг барча қатламлари, айниқса, аёлларни жалб этиш манфаатли эканини унутмаслик керак. Ҳўш, нега энди аёлларни бу жараёндаги фаол иштироки бу даражада муҳим, деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга жавоб оддий: чунки, аграр соҳанинг ҳеч бир йўналиши йўқ-ки, аёллар жалб этилмаган бўлса. Содда қилиб айтганда, хоҳ сув етказиш қуввуридан, хоҳ ариқдан оққан сув бўлсин, ҳар бир оилада бу ресурсни ишлатадиганлар асосан аёллардир.

(Давоми 2-саҳифада)

➤ Сарҳисоб

Ирригация ва мелиорация тадбирлари натижаси:

ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНИБ, ҲОСИЛДОРЛИК ОШМОҚДА

Ўтган йили Андижон вилоятида ҳам ирригация ва мелиорация соҳасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилди. Андижонсувқурилишнинг давлат муассасаси бюромачилигида ирригация объектларида қурилиш ва реконструкция ишларини олиб бориш учун 118 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилган. Шундан қарийиб 83 миллиард сўми бетонлаштириш ишларига йўналтирилди.



Ўтган йил давомида вилоятимиз ирригация объектларида 113,9 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, 51 км. узунликдаги каналларда реконструкция ишлари бажарилди, 2 дона гидротехник иншоот, 1 та насос станция қуриш ва 62,1 км. босим-

ли қувур тортиш ишлари олиб берилди. Амалга оширилган ушбу тадбирлар натижасида 53 минг 267 гектар экин майдонларининг сув таъминоти яхшиланди ҳамда 2625 гектар фойдаланишдан чиққан майдонлар қайта ўзлаштирилди.

(Давоми 3-саҳифада)

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДЛАРИДА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 февралдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга янги туртки берди.

Мазкур қарор сув тежовчи технологияларни жорий этишни фақат техник чора сифатида эмас, балки иқтисодий, институционал ва рақамли механизмлар орқали қўллаб-қувватлашни назарда тутди. Шунга қўра, 2026-2028 йилларда республика бўйича сув тежовчи технологияларни жорий этиш қўлами кескин кенгайтирилади. Хусусан, 2028 йилга қадар 3,5 млн. гектар ер майдонида замонавий тежамкор суғориш тизимлари ўрнатилиб, йиллик сув тежаш ҳажмини 5 млрд. куб метрга етказиш кўзда тутилган. Мазкур чора-тадбирлар сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга, сув таъминоти оғир ҳудудларда барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Қарор доирасида молиявий қўллаб-қувватлаш механизми ҳам кучайтирилади. Ушбу йўналишда, 2026 йилнинг ўзига тижорат банклари томонидан 2,6 трлн. сўм миқдорига имтиёзли кредитлар ажратилиши, давлат томонидан эса 800 млрд. сўм субсидия йўналтирилиши белгиланди. Шу билан бирга, сув тежовчи технологияларни ўз маблағлари ҳисобидан жорий этишни режалаштирган ташаббускор хўжаликлар учун субсидия ажратишининг янги тартиби жорий қилинди. Унга қўра, субсидиянинг 50 фоизи лойиҳани амалга ошириш бошланишидан олдин, қолган қисми эса ишлар тўлиқ якунланганидан сўнг тўлаб берилади.

Қарорда сувдан фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Сув ҳисобини тўлиқ рақамлаштириш, “ақлли” ҳисоблагичлар ва масофавий мониторинг воситаларини жорий этиш орқали сув йўқотишларини камайтириш кўзда тутилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИДА “УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ” НОМЛИ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор, “Нуроний” жамғармаси Республика бошқаруви раиси С.Турдиев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Ш.Аюпов, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, магистрлар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди.



Учрашув аввалида меҳмонлар дастлаб университетнинг санъат галереяси ҳамда “Она сиймоси” кўргазмаси билан танишдилар.

Тадбирни Тошкент давлат аграр университети ректори Н.Обломуродов очиб берди. “Уч авлод учрашуви” ёшларимиз учун муҳим аҳамият касб этиши, Ватанга садоқат ва илм-маърифатга бўлган қизиқишнинг оширишда хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Қаҳрамонлари ўзларининг ҳаётий йўллари, илмий-изланишлари, Янги Ўзбекистон шароитида ёшларга берилаётган кенг қўлланма имкониятлардан тўғри фойдаланиш нақадар муҳимлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари ўз нутқларида университет ёшлари Янги Ўзбекистонда ёшлар илми, маърифатли бўлиб камол топишлари учун яратилган шароитлардан

оқилона фойдаланган ҳолда, юқори натижаларни қўлга киритаётганини алоҳида таъкидладилар.

Маърузалар давомида ёшлар қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар. Нуроний устозлар ва иқтидорли ёшларнинг фикрлари тадбирга янада мазмун бағишлади.

Тадбир якунида университет раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Қаҳрамонларига университет тарихи ва бугунги кундаги фаолиятига бағишланган “Замин билан туташ тақдирлар” китоби тақдим этилди. Шунингдек, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси томонидан университет ёшлари учун китоблар тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз.



Мақсад билан мустаҳкамланган ҳаракат ОРЗУЛАРНИ ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНТИРАДИ

Ҳар бир давлатнинг келажаги, иқтисодийнинг барқарор ривожланиши иқтидорли ёшларга, уларнинг билими, салоҳиятини ривожлантириш ва юзага чиқаришига бевосита боғлиқ. Булар ёш бўлишига қарамай, турли соҳаларда салмоқли ютуқларга эришаётган қобилиятли, ижодкор ва ғайратли авлоддир.

Ёшлар эришаётган муваффақиятлар нафақат уларнинг шахсий ютуғи, балки юрт келажагига қўшган ҳиссаси ҳамдир. Уларнинг истеъдодини эътироф этиш ва қўллаб-қувватлаш билан бирга, янада ўсиши учун шароит яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ёшларни қўллаб-қувватлаш, салоҳиятини рўёбга чиқариш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишидир. Дарҳақиқат, таълим, маданият, спорт ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган

ислохотлар ва дастурлар туфайли мамлакатимиз уларнинг шахсий ютуғи, балки юрт келажагига қўшган ҳиссаси ҳамдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, бугунги ёшларга яратиб берилган шароит – бу эртанги қудратли Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдеворидир. Устоз–шогирд тизими бўйича иқтидорли талабалар билан ишлаётган раҳбар сифатида ёшлар салоҳиятини ривожлантиришга қўмаклашиш ва уларнинг ютуқларини кузатиш имкониятига эга эканимдан мамнунман.

(Давоми 2-саҳифада)

МАҚСАД БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНГАН ҲАРАКАТ ОРЗУЛАРНИ ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНТИРАДИ



(Боши 1-саҳифада)

Президентимизнинг “ёшларнинг шижоати ва интилишини кўриб, ёниб турган кўзларига бокиб, ўзимга битмас-туганмас куч оламан”, деган фикрларини ёдга олар эканмиз, ёшлар ўз олдиларига аниқ мақсад қўйиб, унга қатъият билан интилганларида, нафақат ўзлари, балки атрофидагиларга ҳам куч ва ғайрат бағишлайди. Уларнинг ёниб турган кўзлари эса ички ишонч, орзу ва интилишларнинг ёрқин ифодаси бўлиб, устозлар учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади ҳамда уларни ўз меҳнатини янада фидойилик билан давом эттиришга ундайди.

2023 йилда Тошкент шаҳридаги 210-сонли мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган Улуғбек Мирҳосиллов бугунги кунда Тошкент давлат аграр университетининг “Иқтисодиёт” йўналиши 3-босқич талабаси сифатида таҳсил олмоқда. У ўзининг билимга чанқоқлиги, интилувчанлиги ва масъулияти билан иқтидорли ёшлар сафидан муносиб ўрин эгаллаган.

У 2006 йил Тошкент вилояти Қи-рай туманида зиёлилар оиласида таваллуд топган. Унинг оиласида таълим ва меҳнатга юксак эҳтиром, эзгу ниятлар ҳамда инсонпарварлик қадриятлари етакчи ўрин эгаллайди. Шоғирдимнинг эътирофи этишчи-ча, Улуғбек гўдаклик чоғиданоқ бувижониси – олий тоифали шифокор Гули Ахатовнанинг меҳрли парвариши ва оқилона тарбияси бағрида вояга етган бўлиб, айнан шу муҳит унинг шахс сифатида шаклланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Талабам буни фахр ва миннатдорлик билан шундай ифодалайди: бугун эришган ҳар бир ютуғимнинг асл сабабчиси бу бувижонимдир, қўлга киритган мукофотларимнинг барчаси, аввало, у кишига тегишлидир!

Оилада синдирилган тарбия Улуғбекда вақтни қадрлаш ва ундан оқилона фойдаланиш кўникмаларини шакллантирди. У ўқиш, спорт, ижтимоий фаоллик ҳамда шахсий ҳаётни уйғун ҳолда олиб боришга интилади. Белгиланган режаларга қатъий амал қилган ҳолда, ажратилган ҳар бир дақиқадан самарали фойдаланишни ўз ҳаётий мезонига айлантирган. Улуғбек ўқишнинг илк босқичлариданоқ юқори академик натижаларни намоён этиб, етакчилик қобилиятлари билан ажралиб келмоқда. У нафақат таълим жараёнида, балки маънавий-ахлоқий, маданий, спорт ҳамда ижтимоий фаолиятларда ҳам фаол иштирок этиб, салмоқли ютуқларга эришган. Хусусан, спортнинг стол тенниси турига бўлган қизиқиши ва доимий машғулотлари натижасида вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда бир қатор совринли ўринларни қўлга киритгани эътиборга моликдир.

Улуғбекнинг муҳим ютуқларидан яна бири она тилидан ташқари рус ва инглиз тилларини мукаммал даражада эгаллагани, шунингдек, янги билим ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш билан бирга танқидий фикрлашни ривожлантириш, мулоқот маданиятини ошириш ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиладиган турли ўқув курсларида мунтазам таҳсил олаётганидир. Жумладан, “Амалий математика”, “Инглиз тили”, “Молиявий ҳисоб”, “IT ва дастурлаш” йўналишлари бўйича ўқиб, тегишли сертификатларга эга бўлиб келмоқда. Маънавий-маърифий тадбирларда фаол қатнашиш билан бир қаторда илмий-тадқиқот фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бугунги кунга қадар унинг чоп этилган илмий ишлари сони 25 тадан ортиб, улар агроиқтисодиёт соҳасидаги долзарб илмий масалаларни ёритишга бағишланган. Мазкур тадқиқотлар миллий ва халқаро илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, уларнинг натижалари етакчи маҳаллий ва хорижий илмий журналларда, шунингдек, республика ва халқаро миқёсда ўтказилаётган конференция ҳамда семинар-анжуманларда мунтазам тақдим этиб келинмоқда.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Тошкент давлат аграр университети талабалари учун таъсис этилган “Эркин Шайхов” номидаги университет ички стипендияси танлови ғолиби бўлиши Улуғбекнинг шахсий ютуқларини эътироф этиш баробарида, устоз-шоғирд тизимининг аҳамияти ва самарадорлигини ҳам яққол намоён этди. Шунингдек, унинг муҳим ютуқларидан яна бири – МДХ миқёсида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияда “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига қўшган ҳиссаси” номинацияси бўйича ғолиб деб топилиб, Ссентифис Асадемай илм-маърифат маркази томонидан “Юксак эҳтиром” халқаро эсдалик кўкрак нишони билан тақдирланганидир. Ушбу мукофот унинг танлаган касбий йўналишига бўлган чуқур қизиқишини яна бир бор тасдиқлади.

Ва нихоят, Улуғбек эришган юксак ютуқлардан яна бири у 2025/2026-ўқув йилида Навоий номидаги давлат стипендияси соҳибига айланди. Бу эътироф унинг билимга чанқоқлиги, изчил меҳнати ва юксак интилишларининг мантиқий натижаси бўлиб, ўзбек маънавияти ва илм-фани тарихида бекиёс ўрин тутган буюк аллома – Алишер Навоий номи билан боғланган мукофотга сазовор бўлиш ҳар қандай ёш учун улкан шараф ҳисобланади.

Ўрта асрлар Шарқ уйғониш даври-нинг улуғ сиймоси Алишер Навоий асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмаган, балки унинг бебаҳо илмий ва адабий мероси бугунги кунгача чуқур ўрганилиб, кенг тарғиб этиб келинмоқда. Навоий ижодий мероси жаҳон мадания-тининг бетакрор дурдоналаридан бири саналиб, унинг асарлари дунёнинг юзлаб тилларига таржима қилинган ва турли халқларнинг маънавий хазина-сига айланган. Алишер Навоий ўз асарларида комил инсон тинсолини, юксак инсонпарварлик ва маънавий камолот ғояларини улуғлаб, мумтоз адабиёт тарихида асрлар оша қадри сўнмайдиган, битмас-туганмас маъна-вий хазинани мерос қилиб қолдирди. Унинг бой ижодий мероси бугун ҳам нафақат адабиётшунослар ва олимлар, балки кенг жамоатчилик, айниқса, ёш авлод учун бекиёс тарбия мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Навоий шахси ва асарларини ўрганишга қаратилган илмий изланишларнинг изчил давом этаётгани, уларга бўлган қизиқишнинг тобора ортиб бораётгани бу бебаҳо ме-роснинг замонлар оша ўз аҳамиятини йўқотмаслигини яққол тасдиқлайди. Бугун Алишер Навоий мероси бутун инсониятга тегишли бебаҳо маънавий хазина сифатида эътироф этилади. Дунё аҳли унинг асарларини муто-лаа қилмоқда, чуқур ўрганмоқда ва илҳом манбаи сифатида қабул қил-моқда. Шундай буюк зот номи билан аталган давлат стипендиясига сазовор бўлиш Улуғбекнинг илм-фан ва маъ-навият йўлидаги саъй-ҳаракатлари нақадар юксак эканини яна бир бор тасдиқлайди. Айнан шундай буюк маънавий анъаналар руҳида камол топаётган Улуғбек сингари иктидорли, мақсадли ва фидойи ёшларнинг бугунги ютуқлари келажакда янада улкан марраларга элтувчи мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди, деб ишонч билан айтиш мумкин. Улар-нинг билимга, изланишга ва юксак натижаларга интилиши мамлакатимиз илм-фани ва жамият тараққиёти учун ишончли таянч бўлиб, келажак авлодлар учун ёрқин ибрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Илҳом ОЧИЛОВ,
Тошкент давлат аграр университети
“Агроиқтисодиёт” кафедраси мудири,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЯНГИ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ҲАМДА ИЛМ-ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ



(Боши 1-саҳифада)

Шу муносабат билан таълим, ил-мий тадқиқот ва ишлаб чиқаришни узвий боғлайдиган тизим яратиш, меҳнат бозори талабига мос етук му-тахассислар тайёрлаш вазифалари белгиланди.

Жумладан, келгусида универси-тет талабаларининг 6,8 минг нафа-ри ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, корхоналар ва агрокластерларда, 2,6 мингдан зиёди Қишлоқ хўжалиги вазир-лиги ти-зимидagi 22 та илмий-тадқиқот институтида амалиёт ўтади.

Шунингдек, фермер ҳамда унинг ходимлари фарзандларининг тест синовларида баллари қабул пара-метрларига етмаганда, миқдори ка-майтирилган тўлов-контракт асосида универси-тетга қабул қилиш, еттита таълим йўналиши бўйича ўқиб даво-мийлигини 4 йилдан 3 йилга қискар-тириш таклиф этилди. Талабаларни тракторчи-машинист гувоҳномаси ва агродрон-лардан фойдаланишга ўқитиш йўлга қўйилади.

Тақдимотда Агросаноатни риво-жлантириш агентлигининг фаолияти

кўриб чиқилди. Ўтган йилда 44 минг гектар самара-сиз ерларда интенсив ва саноатлашган боғ ҳамда тоқзор-лар ташкил қилиб, 37 минг иш ўрни яратилди. Бу ерларда ташкил этилган боғ ва тоқзорлар 2027 йилдан ҳосил бе-ришни бошлаб, йилига 660 миллион доллар мева-сабзавот экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади. Масалан, Сўхда 500 гектарда олма, малина ва ўрик, Термиз туманида 164 гектарда ўрик ва шафтоли, Оҳанга-рон тумани-да 309 гектар, Булунғурда 550 гектар

ҳамда Кувада 60 гектар ерда узумнинг “Аватар” нави, Поп туманидаги 504 гектарда эса шафтоли ва олхўри план-тациялари ташкил этилди.

Мазкур ишларни давом эттириб, 2026 йилда 25,5 минг гектар мевали боғлар ва 5 минг гектар узумзорлар ташкил қилиб, 48 минг доимий ҳамда мавсумий иш ўринларини яратиш за-рурлиги қайд этилди.

Ҳар йили мамлакатимизга 60 мил-лион долларлик қўчатлар импорт қи-линмоқда. Ушбу қўчатларни Европа стандартлари асосида ўзимизда тай-ёрлаш учун барча имкониятлар мав-жудлиги кўрсатиб ўтилди.

Бу борада агентлик томонидан 200 дан ортиқ мева турларининг вирусдан холи, юқори ҳосилли оналик навлари коллекцияси яратилган. Ушбу мева турларини қўпайтириш ва барча ҳу-дудларга етказиб бериш мақсадида Бектемир туманида 50 гектар, Юқо-ри Чирчик туманида эса 75 гектарлик “ин-витро” лабораториялари ва оналик қўчатхоналаридан иборат мажмуа-лар ташкил этилмоқда. Ушбу мажмуаларни йил якунигача ишга тушириб, йиллик 27 миллион дона қўчат тайёрлаш ва-зифаси қўйилди.

Президентимиз тақдимотда муҳо-кама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларга теги-шли топши-риқлар берди.

ЎЗА

ОБИҲАЁТ БОШҚАРУВИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ



Меҳрибон МАҲМУДОВА,
“Зарафшон дарёси ҳавзасида иқлимга чидамли сув ресурсларини бошқариш” лойиҳаси доирасида Caritas Switzerlandнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг коммунициялар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими мутахассиси, гендер масалалари бўйича масъули.

(Боши 1-саҳифада)

Қолаверса, деҳқончиликда унча-мунча фермер эркаклардан қолиш-майдиган, ҳаттоки ўзиб кетаётган миришкор аёлларимиз ҳам оз эмас. Бундан ташқари, сув ресурсларини бошқариш идораларида ҳам минглаб аёллар ишлашади. Агар гендер статисти-касига мурожаат қиладиган бўлсак, қишлоқ жойларимизда уй хўжаликлар-идаги сувдан фойдаланиш ва уни бошқариш билан боғлиқ қарорларнинг тахминан 60-70 фоизида аёллар бево-сита иштирок этади. Ичимлик сувини олиб келиш, сақлаш ва тежаш амалиёт-лари кўп ҳолларда айнан хотин-қизлар зиммасига тўғри келади. Демак, Ўзе-бистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси томонидан юртимиз аёлларининг кенг қатлами доирасида амалга оширила-ётган тадбирлар бежиз эмас. Хусусан, уюшманинг Зарафшон дарёси ҳавзаси-да Швейцария Тарақиёт ва Ҳамкорлик Агентлиги (SDC) орқали молиялашти-риладиган ҳамда Каритас Швейцария (Caritas Switzerland) ва Марказий Осё Минтақавий Агроф-муҳит Маркази (САРЕС) консорциуми билан яқин ҳамкорликда амалга оширилаётган “Зарафшон дарёси ҳавзасида иқлимга чидамли сув ресурсларини бошқариш” лойиҳаси ўз мазмун-моҳиятига кўра ана шу мақсадга хизмат қилади. Лойи-ха доирасида 2026 йил бошидан буён Бухоронинг Ромитан, Навоийнинг Кармана, Қашқадарёнинг Шаҳрисабз, Самарқанднинг Оқдарё ва Жиззахнинг Шароф Рашидов номи туманларида 200 нафарга яқин хотин-қиз иштиро-кида ўтказилган “Сув бошқарувида аёллар иштирокчини қўллаб-қувватлаш ва салоҳиятини кучайтириш” мавзуси-да семинар-тренинглар лойиҳа ишти-рокчиларининг ўз мақсадида собит эканини тасдиқлайди.

– Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим минтақаси бўлган Зарафшон дарёси ҳавзасида

сув ресурсларидан самарали фойдала-ниш қишлоқ хўжалиги, саноат ва аҳоли турмуш даражаси учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгалли боис сув бошқаруви-да янги ёндашувларни талаб қилмоқда, – дейди “Аграр соҳа аёллари” уюшма-си раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент Аддиба Аҳмаджонова. – Юқорида тилга олинган лойиҳанинг асосий таркибий қисми Ўзбекистонда об-ҳаво, сув ва иқлим хизматлари ти-зимини (BVCC) ишлаб чиқишдир. Бу борада “Ўзгидромет” агентлиги билан ҳамкорликда мақсадли ҳудудларда ме-теорологик станциялар ўрнатилмоқда ва улардан олинган маълумотлар мете-орологик прогнозларнинг аниқлигини ошириш учун миллий тизимга инте-грация қилинмоқда. Олинган маълу-мотлар иқлим параметрлари, тупроқ намлиги, буғланиш ва экинлар сувига бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда об-ҳавога асосланган сугориш бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатиш учун ишлатилиши баробарида юртимиз



фермер хўжаликлариди сувдан сама-ралироқ ва барқарор фойдаланишни рағбатлантиради.

Лойиҳанинг яна бир ўта аҳамиятли йўналиши бу сув ресурсларини бошқа-ришда заиф ва кам вакилликка эга гу-руҳлар, хусусан, аёллар иштирокини оширишдан иборат. Масалан, қишлоқ ҳудудларида аёллар асосан қишлоқ хў-жалиги, чорвачилик, боғдорчилик ва маиший хизмат соҳаларида банд.

Уларнинг кўпчилиги сув ресурслари-дан кундалик фойдаланишда (сугориш, уй ишлари, озиқ-овқат тайёрлаш, чорва учун сув таъминоти) тўғридан-тўғри иштирок этади. Бироқ аёлларнинг сув бошқаруви бўйича расмий қарор қабул қилиш жараёниларидаги иштироки паст даражада. “Сув етказиб бериш хизма-ти” давлат муассасаларида раҳбарлик лавозимларидаги аёллар улуши ҳам жуда кам. Ваҳоланки, Зарафшон ҳавза-си ҳудудларида (Самарқанд ва Навоий вилоятларининг қишлоқ туманларида) ўтказилган маҳаллий кузатувлар шуни



кўрсатадики, томорқа ерларида сув тежовчи усуллар – томчилатиб суго-риш, кечки сугориш ва экин турларини алмашлаб экиш каби амалиётларни жорий этиш ташаббусларининг кат-та қисми хотин-қизлар томонидан илгари сурилади. Хотин-қизлар, шу-нингдек, хонадон миқёсида ичимлик

тайёрлаш ва малакасини ошириш чоралари белгиланган. Йил бошидан буён бешта вилоятда соҳанинг етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда семинар-тренингдан ўтказишга улгур-дик. Интерфаол ва қизиқарли ташкил-ланган ушбу тадбирларда иштирокчи-ларга сув бошқаруви ва унда аёллар етакчилиги борасида тушунча ва би-лимлар берилиб, қарор қабул қилишда музокара олиб бориш йўл-йўриқлари ва усуллари, расмий мулоқот шаро-и-тида нутқ сўзлаш ва ўзига ишончни шакллантириш борасида кўникмалар ўргатилади.

Бундан ташқари, лойиҳа доирасида иштирокчи хотин-қизларга Зарафшон дарёси ҳавзаси шароитида сув ресурс-ларидан янада оқилона ва самарали фойдаланишга қаратилган амалий ёндашувлар тақдим этилди. Хусусан, метеостанциялар маълумотларига асосланган ҳолда об-ҳавога боғлиқ сугоришни режалаштириш, поливнинг мақбул муддати ва ҳажмини белги-лаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур билимлар ишти-рокчиларда катта қизиқиш уйғотди ва айниқса, фермерлик фаолияти билан шуғулланаётган аёллар учун фойдали бўлди.

Истиқболда бу борада хотин-қизлар иштирокига тўсиқ бўлаётган баъзи омилар, жумладан, анъанавий гендер роллари ва ижтимоий стереотиплар, техник ва бошқарув билимларидан ха-бардорлик имкониятининг чекланган-лиги, маҳаллий сув фойдаланувчилари уюмларида аёллар учун етакчилик позицияларининг камлиги каби ҳо-латлар устида ишлашда давом этамиз.

Бу жараёнда давлат идоралари, фуқаролик жамияти ва халқаро таш-килотлар ҳамкорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шақ-шубҳасиз, бу жа-раёнларда аёлларнинг сув ресурслари-ни бошқаришдаги фаол иштироки фақатгина ижтимоий адолат ёки тен-глик масаласи эмас, балки барқарор ривожланиш кафолатидир.

Эълонлар

09-02/5528 рақами билан 1993 йил 17 февралда Хайдарова Шохиди Умаровна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолган-лиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

22-05/2065 рақами билан 2020 йил 19 августда Баратов Шохруҳ Муродимович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.



Ирригация ва мелиорация тадбирлари натижаси:

(Боши 1-саҳифада)

Бетонлаштириш ишлари натижасида йиллик 69,5 млн. метр куб сув йўқотишларининг олди олинди. Мелиорация объектларида ҳам қўзда тутилган ишлар ўз вақтда амалга оширилди. Ўтган йили ушбу мақсадлар учун 6,086 млрд. сўм ажратилганди. Йил якуни билан мелиорация объектларида 4,6 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, 5 та лойиҳа бўйича 14,2 км. узунликдаги коллекторлар, 13 км. узунликдаги ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари ҳамда 7 та гидротехник иншоотда қуриш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Амалга оширилган ушбу тадбирлар натижасида 1100 гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди ҳамда пахта ва ғалладан олинадиган ҳосилдорлик гектарига 4-5 центнерга ортишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 мартдаги “2025 йилда амалга ошириладиган мелиорация объектларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари лойиҳаларининг дастлабки манзили рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги баёнига асосан, вилоятнинг 2025 йил Мелиоратив объектларни тизимли таъмирлаш ва

ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИНГ СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНИБ, ҲОСИЛДОРЛИК ОШМОҚДА



тиклаш дастури тасдиқланди. Ушбу дастурга асосан, янгидан бошланувчи жами 14 та лойиҳа олинди. Йилдан йилга ўтувчи битта ва 13 та янгидан бошланадиган объектлар учун 20,35 млрд. сўм лимит ажратилди.

Натижада, мелиорация объектларида 18,205 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, 836,5 км. узунликдаги коллектор тармоқлари ҳамда 16,4 км. узунликдаги ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, туманлардаги 200 та кузатув қудуқларини таъмирлаш қўшимча равишда дастурга кириштирилиб, тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилди. Амалга оширилган ушбу тадбирлар натижасида 22 минг 672 гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилдорлик сезиларли даражада ортишига эришилди.

Қолаверса, “Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастури бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоятимизнинг 2 та шаҳар ва 14 та туманидаги 69 та маҳалласида жойлашган 68 та объектдаги ирригация тармоқларида қуриш ва реконструкция ишлари учун 75,300 млрд. сўм ажратилганди. Ўтган йил якунлари бўйича ушбу объектларда 48,9 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, 81,2 км. узунликдаги каналлар, 6,2 км. узунликдаги лоток тармоқлари, 14 та сўғориш қудуғи, 12 дона насос агрегатлари ҳамда 4,85 км. узунликда босими қувурларда қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Мазкур тадбирлар натижасида ушбу маҳаллалар ҳудудидagi турмуш даражаси нисбатан паст бўлган 44561 та хонадон аҳлининг 2454 гектар қишлоқ хўжалиги майдонлари кафолатли сув билан таъминланди. Аҳолининг деҳқончилик қилиши ва томорқадан қўшимча даромад олиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Иброҳимжон ХОЛМИРЗАЕВ,
Андиксонсувқурилишнинг вест давлат муассасаси директори.

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДЛАРИДА ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Қолаверса, сув тежовчи технологияларни ўрнатган пудрат ташкилотлари учун кафолат ва сервис хизматлари бўйича янги талаблар белгиланиб, бу фермерлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Бундан ташқари, соҳа кадрлари салоҳиятини ошириш мақсадида мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари кучайтирилади. Сув ресурсларини бошқариш бўйича илғор хорижий тажрибаларни, жумладан, сув танқис ҳудудларда самарали бошқарув тизимларини қўлаётган мамлакатлар амалиётини ўрганиш ҳам назарда тутилган. Бу эса амалга оширилаётган ислохотларнинг сифат таъминидан янги босқичга чиқишига хизмат қилади.

Мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирлар Оролқўи қутқариш халқаро жамғармаси – ОҚХЖ Агентлиги ҳамда ОҚХЖ Нукус филиали томонидан Оролбўйи ҳудудларида амалга оширилаётган экологик лойиҳалар билан узвий боғлиқ. Бу ёндашув сув тежовчи технологиялар ҳисобидан тежалган сув ресурсларини Оролбўйи ҳудудида сув таъминоти барқарорлигини мустаҳкамлаш, табиий қўллар тизими ва экологик ҳолатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Икким ўзгариши ва сув ресурслари танқислиги шароитида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш



устувор вазифа ҳисобланади. Сув тежовчи технологияларни жорий этиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш билан бирга, Оролбўйи ҳудудларида экотизимлар учун зарур бўлган экологик сув оқимларини шакллантиришда ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Агентлиги ҳамда ОҚХЖ Нукус филиали томонидан Амударё дельтаси ва Оролбўйи ҳудудларида сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар сув режимини барқарорлаштириш орқали Орол ҳавзасидаги қўллар тизимининг экологик ҳолатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Хўсусан, Мақпалқўл, Домўлоқ, Даркеш ва бошқа ҳудудларда сув оқимларини тартибга солишга қаратилган муҳим

инфратузилмавий ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ишлар дамба ва сув чиқариш иншоотларини реконструкция қилиш, бетон каналлар қуриш, коллектор сувларини қайта йўналтириш ҳамда яшил қопламаларни жорий этишни ўз ичига олади. Натижада сувнинг йўқотилиш даражаси камайиб, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги босқичма-босқич оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 апрелдаги фармойишига мувофиқ, 2025-2027 йилларда Мақпалқўл қўлида химояловчи дамба ва сув чиқариш иншоотини қуриш лойиҳасини амалга ошириш белгиланган. Мазкур лойиҳа Амударё дельтаси ва Оролбўйи ҳудудларида сув режимини барқарорлаштиришга қаратилган муҳим комплекс чора-тадбирлар сирасига қиради.

Оролбўйи ҳудудларида экологик тикланишни таъминлаш мақсадида кенг қўламли ўрмон-мелиоратив тадбирлар ҳам изчил амалга оширилмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида, Ахантой ҳудудиди маҳаллий даракт ва бута ўсимликларида иборат ҳимояловчи ўрмонзорлар барпо этилди. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3,2 млрд. сўмни ташкил этиб, лойиҳа доирасида Мўйноқ шаҳридан 20 км. шимоли-шарқда жойлашган ҳудудда 8,7 минг гектар майдонда ўрмон-мелиоратив тадбирлари тўлиқ амалга оширилди ҳамда объект 2024 йилда фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, Аққум ҳудудиди ҳимояловчи ўрмонзорларни барпо этиш бўйича I-босқич ишлари якунланди. Лойиҳанинг умумий смета қиймати 3,4 млрд. сўмни ташкил этиб, мазкур босқич доирасида 2 минг гектар майдонда ўрмон-мелиоратив ишлари бажарилди ҳамда лойиҳа 2025 йилда фойдаланишга топширилди.

Хулоса қилиб айтганда, Оролбўйи ҳудудларида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали сувни иқтисод қилиш ва экологик ҳолатини яхшилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Биродаржон БУРХОНЖОНОВ,
Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Агентлиги раҳбари.

АТОҚЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ КАЛЛИБЕК КАМАЛОВ



Атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли меҳнат фахрийси Каллибек Камалов шу йил 11 февраль куни 100 ёшида вафот этди.

Каллибек Камалов 1926 йил 18 мартда Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатиб, ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, 1955 йилда Нукус давлат университетини тамомлади. Меҳнат фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар қўмитаси котиби лавозимидан бошлаб, кейинчалик Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Нукус шаҳар ижроия қўмитаси раиси бўлиб ишлади.

Катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган К.Камалов Қорақалпоғистон Республикаси коммунал хўжалиги вазирини, йўл транспорти ва автомобиль йўллари вазири, Қорақалпоғистон партия қўмитаси котиби лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Бутун ҳаёти ва фаолиятини ўзи туғилиб воғга етган юрт равнақиға бағишлаган моҳир раҳбар 1959–1963 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, 1963–1984 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси партия қўмитасининг биринчи котиби, Республика етакчиси каби масъул вазифаларда жонбозлик кўрсатиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, турли соҳа ва тармоқларда ишнинг замон талаблари асосида йўлга қўйиш борасида фидокорона меҳнат қилди.

Каллибек Камалов 1984–1986 йилларда истеъодли дипломат сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатди.

У қўп йиллик серқирра меҳнат фаолияти давомида бой билим ва тажрибаси, раҳбарлик салоҳияти, юксак инсоний фазилатлари, Ватанимизга беқиёс меҳри ва садоқати билан эл-юрт қалбидан чуқур жой олган улуг инсон эди. Унинг бевосити раҳбарлигида Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар томонлама тараққий эттириш, мавжуд мураккаб иқлим шароитида пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги тармоқларини, шунингдек, саноат ва ишлаб чиқаришнинг равнақ топтириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Каллибек Камалов сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси нурунийлар жамоатчилик кенгаши раиси сифатида кесалар ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш, жамиятда тинчлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадритларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ишларда фаол иштирок этиб келди.

Каллибек Камаловнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланди. У “Шуҳрат” медали ва “Эл-юрт хурмати” ордени билан мукофотланган эди.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Каллибек Камаловнинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, А.ОРИНБАЕВ, С.ТУРДИЕВ

Мулоҳаза

Қаҳрамонлар ҳаётида яшамок завқи

Бир асарни ўқий бошладингизми, бўш бўлдингиз дегунча китобни қўлингизга олишга ошиқасиз. Чунки ундаги қаҳрамонларнинг кейинги тақдирига қизиқиш ҳисси сизни тинч қўймайди. Бошқача айтганда, сиз уларнинг ҳаётида яшай бошлайсиз. Гўёки ҳаётга у бўлиб келгансиз, муаммолар сизники – ечим излайсиз, ёзувчи тутган йўл қандайлиги ҳақидаги ўйлар фикр-ёдингизни қамраб олади...



Умида ИКРАМОВА,
Наманган давлат университети
Ахборот-ресурс маркази Илмий-услубий ва ахборот маълумот (даврий нашрлар) бўлими мудири.

Ҳа, китоб мутолаасининг завқи, сурури шунда. Баъзилар китоб ўқишга ҳеч қизиқмайман, дейди. Уларда қўнғ етишмайди, ҳолос. Уч-тўрт саҳифа ўқилгандан кейин оқ сўртнинг асирига айланиш мумкинлигини амалда кўришлари керак...

1940 йил америкалик файласуф ва педагог Мортимер Адлер “Китобни қандай ўқиш керак?”, дея савол қўйиб, шу номдаги китобини ёзди. Адлернинг фикрича, ўқининг 4 тури мавжуд: бошланғич ўқиш, текшириб ўқиш, таҳлил қилиб ўқиш ва қиёслаб-чоғиштириб, батафсил солиштириб ўқиш. Бошланғич ўқиш мактабларда ўқитиладиган ўқиш даражаси. Текшириб ўқиш бизга муаллифнинг режасини қўриб чиқиш ва чуқур ўқиш тажрибасининг моҳиятини баҳо-ҳис қилиш ҳақида сўз кетганда, Френсис Беконнинг: “Баъзи китобларни татиб кўриш керак, бошқаларини ютиб юбориш керак, баъзиларини чайнаш ва ҳазм қилиш керак”, деган фикрларини келтириб ўтишимиз ўринли.

Таҳлилий ўқиш бу пухта ўқиш бўлса, қиёслаб-чоғиштириб, батафсил таққослаб ўқиш энг қийин ўқишдир. Қиёслаб-чоғиштириб ўқиш бир хил мавзудаги қўплаб китобларни ўқишни ва фикрларни таққослаб, қарама-қаршиларини синчиқлаб кузатишни аниқлатади.

Китоб ўқишга чоғланар эканмиз, қўлимдаги китоб ўзи нима ҳақида, воқеалар ривожини нимага ишора қилмоқда, асар ҳақиқатга яқинми: бутунчилами ёки қисман, бу аслида нима, аҳамияти қандай, менга нима беради, деган саволларга жавоб топиб олишимиз керак. Асарни тутатча, андак танқидий фикрлаб, ўйлаганларингизни бошқалар билан баҳам қўринг!

Ўқиш пайти турфа қайдлар ёзиш, муддат ва белгилар қўйиб ўқиш, тақризча ёзиб, бир четга олиб қўйиш зиён қилмайди.

Ўқини қандай айтганда, ҳамиша дунёқарашингизни ўстирадиган, руҳингизни тозартирадиган, фикрингизни шарҳлайдиган китобларни ўқинг, қаҳрамонлар ҳаётида яшаш завқини ҳис қилинг!

Кутубхона – чинакам ҳазина яширинган маскан. Бутунги кунга келиб, ахборот технологияларининг мисли қўрилмаган ривожини туфайли кутубхоналар янгича қиёфа касб этмоқда. Бироқ тараққиёт кутубхоналар ва кутубхоначилар олдиға бир қатор вазифаларни қўймоқда. Жумладан, кутубхона бутун китоблар сақлаш ва мутолаа жойини бўлиб қоллиши билангина мавқеини сақлаб қололмайди. Кутубхоналарда шундай муҳит яратишлиши керакки, бу ерда қизгин суҳбатлар қурилсин, янги фикр ва ғоялар тугилсин, қизгин баҳс-мунозаралар яралсин, китобхоналар орасидан ёзувчилар етишиб чиқсин!

Эълон

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Муассаса шахидидаги “Сирли коинот” болалар соғломлаштириш оромгоҳи бюротмачилиги қуйидаги объектга бош пудратчини аниқлаш учун ўтказилаётган танлашга иштирокчиларни таклиф этади.

Объект номи: **“Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани “Эски Яккабоғ” МФЙ ҳудудидидаги “Сирли коинот” болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш”.**

Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан – **410 358 341 сўм (Объектнинг бошланғич нархи, мазкур объектга ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза ҳулосаси олингандан сўнг ўзгаради).**

Ишларни туталаш муддати **30 кун.**

Харид тури – **очик танлаш.**

Манзил: Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани “Эски Яккабоғ” МФЙ ҳудудидидаги “Сирли коинот” болалар соғломлаштириш оромгоҳи.

Танлов иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- доимий ходимлари, жумладан, муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;
- ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган) ва тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);
- ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;
- бажаришган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олдин бажаришган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш.

Қуйидаги иштирокчиларга танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

- мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Танловда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорлар бюротмачи – муассаса шаклидаги “Сирли коинот” болалар соғломлаштириш оромгоҳига расмий равишда мурожаат этади. (Мурожаат учун телефон +99891 450-77-48).

Бюротмачи томонидан объектнинг бошланғич нархиға аниқлик киритилганидан сўнг, танловда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорларнинг рўйхати шакллантирилади ва ушбу рўйхат танлов ташкилотчисига тақдим этилади.

Бюротмачи томонидан танлов ташкилотчисига тақдим этилган танлов талагорлари рўйхатига асосан, ташкилотчи талабгорларга танловда иштирок этиш учун таклифномалар жўнатади.

Талабгор томонидан белгиланган тартибда танлов бўйича харид қилиш ҳужжатларини олиш тўғрисида бюротманоми ташкилотчиға топиширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишда берилади.

Таклифларни топшириш иштирокчининг танлов бўйича харид қилиш ҳужжатларида қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани туталашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш, ташкилотчи томонидан талабгорларга танловда иштирок этишга таклифнома жўнатилгандан бошлаб, камида беш иш кунидан сўнг ўтказилади.



Бугун китоб дўконларининг АХВОЛИ ҚАНДАЙ?

Бу жуда долзарб ва бироз оғриқли мавзу. Ҳақиқатан ҳам кўчаларда китоб дўконидан кўра фаст-фуд ёки қаҳвахоналарга кўпроқ кўзимиз тушади. Бунинг сабаблари ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий омилларга бориб тақалади.



бугун ўзимиздан сўрашимиз керак: биз фақат яшашни танлаяпмизми ёки мазмунли яшашни? Адашмасам, бундан ўн йилча муқаддам қишлоқдан туман марказига келганимда албатта, китоб дўконларига кириб, 2-3 дона китоб олиб қайтмасам, кўнглим жойига тушмасди. Сабаби, китоб дўконлари кўп эди. Ҳар бирига кириб, завқланиб, маънавий озуқа олиш бахти бўлар эди. Ҳозир эса қаерда китоб дўкони бор-у, ўша масканга борсам, деган фикрлар қайта- қайта айланади. Китоб дўкони бор, йўқ эмас, аммо одамлар гавжум жойдамас. Бизга кўпроқ “шовкинли” ошоналармас, “сокин” китоб масканлари керак. Қорин

тўймаса инсон организми хасталанса, маънавий очлик бутун жамиятни касаллантиради, давлатнинг мафкуравий имунитетини ўлдирадигандек, китоб дўконлари ҳам шундай, уларнинг сафини эса ошириш керак, ҳамма кириб ўзи излаган китобни ола билиш лозим

Китоб дўконлари очилиши ёки фаолияти бўйича ҳеч қандай тўсиқлар йўқ, аммо очилади-ю қисқа фурсатда ўрнида ошхона, кийим дўкони ва шунгга ўхшаш масканлар пайдо бўлиб қолади. Зиёли, маънавиятли халқ эканмиз, бизга билим ва зиё масканлари ҳар вақт керак. Бу борада дунёи тажрибасида глобал муаммонинг ечими

сифатида китоб-қаҳвахона формати оммалашмоқда. Яъни, инсон ҳам қорнини тўйдиради, ҳам қаҳва устида китоб мутолаа қилади. Китоб дўконларининг қамайиши бу китоб ўқиш тўхтади, дегани эмас, балки китобхонлик шакли ўзгараётганидан далолат. Лекин “қорин ғами”дан баландроқ кўтарилиш учун бизга барибир ўша маънавият масканлари керак. Китоб дўконлари бу шунчаки савдо нуқтаси эмас, балки жамиятнинг маънавий ва интеллектуал “ўпкаси” ҳисобланади. Улар қамайса, жамиятнинг фикрлаш доираси ҳам торайиб бориши табиий, албатта.

Балки китоб дўконларини қайта кўпайтиришдан олдин, аввало, қалбимиздан китобга жой очишимиз керакдир?..

Мақолани бир фикр билан якунлашни жоиз деб билдим. Китоб савдоси бўйича америкалик таниқли адиб Арчибалд Маклишнинг ибратли фикри бор: “Китоблар, ҳақиқий китоблар ўз-ўзидан сотилиб кетмайди. Китобнинг муқоваси қанчалик чиройли бўлмасин, унда китобнинг мазмун-моҳияти қанчалик маҳорат билан акс эттирилган бўлмасин, китобнинг ташқи кўриниши одамларда уни албатта, сотиб олиб, ўқиб чиқиш керак экан, деган фикрни уйғота олмайди”.

Отабек ҚОБИЛОВ,
Ёшлар етакчиси.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Мулоҳаза

Ватанга садоқат – туйғуларнинг энг олийси. Бу ҳиснинг юракларда бўлиши инсоннинг пок ниятидан, мақсадлари улғуворлигидан, эзгулики ҳаётининг шиори ва мазмунига айлантирганидан далолат беради. Шунинг учун ота-боболаримиз бола онига жуда ёшлиқданоқ Ватанни севиш кераклигини сингдириб боришга ҳаракат қилдилар.

АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ АСРАШГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ!

“Ватанга садоқат” тез ташунчаси даврлар, замонлар ўзгарса-да, ўз қийматини йўқотмайди. Аксинча, аҳамияти кучайиб бораверади. Демократикки, замон қанчалар тараққий этмасин, глобаллашув ва ахборот технологиялари ривожланмасин, инсоннинг ўз Ватанига бўлган меҳри ва садоқати су-саймаслиги, аксинча, янада кучайиши лозим. Чунки тараққиёт билан бирга турли ёт ғоялар таҳдиди ҳам кучайиши табиий.

Гувоҳи бўлиб турибмиз, дунёда ахборот ва фикрлар кураши авж олган. Моддий манфаатдорлик эвазига маънавий қадриятлардан воз кечишни, ўзликни тарк этишни талаб этаётганлар истаганча топилади. Ахборот тез тарқалаётган, рақобат кучайган шароитда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларни асраш, соғлом жамиятни барпо этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Мана шундай таҳликали бир паллада бизнинг ёшларимизга, фарзандларимизга берган тарбиямиз, улар онгига сингдирган туйғуларимиз энг яхши қурол вазифасини ўтайди.

Батьида кўча-кўйда, ёшлар орасида ўз вазифасини чин кўнгилдан бажарадиган, устои ва ота-ониси измидан чиқмайдиған тенгдошларига нисбатан уларни масхаралаб “ватан” деб қақиршиға гувоҳ бўлиб қоламиз. Бу арзимаган ҳолат, бироқ замирида жуда катта тарбиясизлик ётади. Биз шундай қилайликки, фарзандларимиз “Ватан” сўзини эшитганда, хушёр тортсин!

Яқинда ижтимоий тармоқларда бир видеони кўрдим. Унда япониялик беш-олти яшар болакай кўчадан кетаётиб, бино пештоқиға илинган байроқни кўради ва унга таъзим қилиб, ҳурмат бажо келтиради. Бу эҳтимолким учундир эриш туюладиган кўринишдир. Лекин унинг замирида жуда гўзал тарбия, мустаҳкам эътиқод, кучли садоқат бор. Мана шу болакай улғайса, у ҳеч қачон ватанини сотмайди, унга ҳиёнат қилмайди. Чунки унинг учун ватандан муқаддасроқ тушунча йўқ!

Кўпинча “Ватанга хизмат” деганда, биз фақат харбий бурчни адо этишни тушунаимиз. Тўғри, тинчликни асраш энг шарафли хизмат. Лекин Ватанга хизмат қилиш деган тушунчани бунчалар тор тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар тонг кўчаларимиз озодлиги учун

ширин уйқусидан кечиби, кўча супураётган, чиқиндиларни ташинётган инсонлар ҳам, ўқувчиларга дарс бераётган муаллимлар ҳам, маънавият тарғиботи йўлида ижод қилаётган қалам аҳли ҳам, келажаги учун бутун чуқур билим олишни мақсад қилган ёш йигит-қизлар ҳам ўзига хос тарзда Ватанга хизмат қилмоқдалар.

Энг муҳими, қалбда Ватанга садоқат туйғуси бўлса, унинг хизмати йўлидаги машаққатлар сезилмайди. Зотан, бу ҳис инсонга куч-қайрат бағишлайди. Ватанга садоқат фидойилик, ҳалоллик, шижоат дегани.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани баён этмоқчиман. Бугун ёшларимизда бефарқлик кучайгандек. Ота-онасига, она-сига, ўз келажағига бефарқ йигит-қизларни кўриб, ташвишга тушасан. Ҳаётни интернет ва ижтимоий тармоқларда вақт ўтказиш билан алмаштириб қўяётган ёшлар ҳам озмунча эмас, афсуски...

Бир аёл 12 яшар ўғлининг телефондаги ўйинларга муккасидан кетганидан ранжиб, унинг телефонини олиб қўяди. Икки-уч марта “телефонини қайтариб беринг”, деган гапларига жавобан: “Энди телефон ишлатмайсан, йўқ телефон”, дейди. Шунда бола ўз онасига шунчалар тажовузкорлик билан ташланадики, гўёки унинг қаршида энг ашаддий душмани тургандек, онасини аямай ура кетади...

Аёл бу воқеани кўзларида ёш ва кўркув билан гапириб берди. Боласининг феълидаги салбий ўзгаришларга аввало, ўзи айбдор эканини ҳам тан олади. Бироқ ўғлининг даҳшатга тушган қиёфасини у ҳеч қачон унутолмас керак...

Шу боланинг эртага теран фикрли инсон бўлиб камолга етишини тасаввур қилиб бўладими? Мумкин, аммо бунинг учун бутун унинг тарбияси билан қаттиқ шугулланиш керак. Лозим бўлса, руҳшунослар ёрдами ҳам зарур...

Интернет – имконият, бироқ хавф ҳам. Ундан шундай фойдаланайликки, у биз ва болаларимиз учун билим манбаига айлансин! Ватанни севиш, оилани, ота-онани қадрлаш каби азалий ва энг муқаддас туйғуларимизга дарз етказмасин, нима дедингиз, азиз замондош!

Ҳайитали ТҶҲИЕВ,
Улғунор туманидаги “Мингбулоқ” жомеъ масжиди имом-хатиби.

Эълонлар

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Муассаса шаклидаги “Шўртан қалдирғочи” болалар соғломлаштириш оромгоҳи буюртмачилигидаги қуйидаги объектга бош пудратчини аниқлаш учун ўтказилаётган танлашга иштирокчиларни таклиф этади.

Объект номи: **“Қашқадарё вилояти Яккабўғ тумани “Ишкент” МФЙ Ишкент қишлоғи ҳудудида жойлашган “Шўртан қалдирғочи” болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш”**
Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан – **406 007 248 сўм** (Объектнинг бошланғич нархи, мазкур объектга ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза хулосаси олингандан сўнг ўзгаради).
Ишларни тугаллаш муддати – **30 кун**.
Харид тури – **очиқ танлаш**.
Манзил: **Қашқадарё вилояти Яккабўғ тумани “Ишкент” МФЙ Ишкент қишлоғи ҳудудида жойлашган “Шўртан қалдирғочи” болалар соғломлаштириш оромгоҳи.**

Танлаш иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;
- ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0.2 коэффициентдан кам бўлмаган) ва тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1.25 коэффициентдан кам бўлмаган);
- ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;
- бажарилган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш.

Қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
 - мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.
- Танлашда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорлар буюртмачи – Муассаса шаклидаги “Шўртан қалдирғочи” болалар соғломлаштириш оромгоҳига расмий равишда мурожаат этсин (Мурожаат учун телефон +977-640-63-63).

Буюртмачи томонидан объектнинг бошланғич нархига аниқлик киритилганидан сўнг, танлашда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорларнинг рўйхати шакллантирилади ва ушбу рўйхат танлаш ташкилотчисига тақдим этилади.

Буюртмачи томонидан танлаш ташкилотчисига тақдим этилган танлаш талабгорлари рўйхатига асосан, ташкилотчи талабгорларга танлашда иштирок этиш учун таклифномалар жўнатади.

Талабгор томонидан белгиланган тартибда танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини олиш тўғрисида буюртманомга ташкилотчига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишда берилади.

Таклифларни топшириш иштирокчининг танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш, ташкилотчи томонидан талабгорларга танлашда иштирок этишга таклифнома жўнатилгандан бошлаб, камида беш иш кунидан сўнг ўтказилади.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Муассаса шаклидаги “Саёҳатчи” болалар соғломлаштириш оромгоҳи буюртмачилигидаги қуйидаги объектга бош пудратчини аниқлаш учун ўтказилаётган танлашга иштирокчиларни таклиф этади.

Объект номи: **“Қашқадарё вилояти Яккабўғ туманидаги “Саёҳатчи” болалар соғломлаштириш оромгоҳини жорий таъмирлаш”**
Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан – **220 000 000 сўм** (Объектнинг бошланғич нархи, мазкур объектга ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига экспертиза хулосаси олингандан сўнг ўзгаради).
Ишларни тугаллаш муддати – **30 кун**.
Харид тури – **очиқ танлаш**.
Манзил: **Қашқадарё вилояти Яккабўғ туманидаги “Саёҳатчи” болалар соғломлаштириш оромгоҳи.**

Танлаш иштирокчиларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;
- ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;
- ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0.2 коэффициентдан кам бўлмаган) ва тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1.25 коэффициентдан кам бўлмаган);
- ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;
- бажарилган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш.

Қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
 - мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.
- Танлашда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорлар буюртмачи – Муассаса шаклидаги “Саёҳатчи” болалар соғломлаштириш оромгоҳига расмий равишда мурожаат этсин (Мурожаат учун телефон +998 99-196-91-76).

Буюртмачи томонидан объектнинг бошланғич нархига аниқлик киритилганидан сўнг, танлашда иштирок этиш ниятида бўлган талабгорларнинг рўйхати шакллантирилади ва ушбу рўйхат танлаш ташкилотчисига тақдим этилади.

Буюртмачи томонидан танлаш ташкилотчисига тақдим этилган танлаш талабгорлари рўйхатига асосан, ташкилотчи талабгорларга танлашда иштирок этиш учун таклифномалар жўнатади.

Талабгор томонидан белгиланган тартибда танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини олиш тўғрисида буюртманомга ташкилотчига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишда берилади.

Таклифларни топшириш иштирокчининг танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш, ташкилотчи томонидан талабгорларга танлашда иштирок этишга таклифнома жўнатилган бошлаб, камида беш иш кунидан сўнг ўтказилади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплексни
таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
**Чорн
ЛАТИПОВ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Шавкат ХАМРОЕВ,
Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ,
Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ҳабиб ТЕМИРОВ,
Ранмикул СУЯРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Нашр индекси – 144. Буюртма Г-217. 1910 нусхада чоп этилди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Тахририят манзили: Тошкент вилояти Қўрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. **Телефонлар:** +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. **E-mail:** infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоқсн келишилган нарҳда.
Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: “Буюқ Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 20.45